



Янгиқўрғон ҳаёти

□ 1931 йил 20 ноябрдан чиқа бошлаган

□ 2021 йил, 30 сентябрь, пайшанба

□ № 28 (10141)

ИНСОН ҚАДРИ ВА ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ УЧУН

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, маҳаллалар ҳаёти билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 27 сентябрь куни вилоятимизда бўлди.

Президент дастлаб Давлатобод туманидаги “Юксалиш” саноат шаҳарчасига борди. Бу ерда ойнага миллий нақшлар ва замонавий дизайнлар асосида ишлов берилади. Ушбу корхона 2019 йилда иш бошлаган, изчил ривожланишда давом этапти.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорлар билан мулоқот қилди, ҳудудни саноат шаҳарчасига айлантириш, бу ерда яшовчи аҳоли учун иш ўринлари яратиш бўйича топшириқлар берди. Шунингдек, “Ешлар”, “Кушон” кичик саноат зоналаридаги янги лойиҳалар билан ҳам танишди.

Ш. Мирзиёев шу йилнинг 19 февралда Наманган шаҳридаги “Саховат уйи”ни бориб кўрган, нурунийлар учун янги бино қурилишига ваъда берганди.

Бугун бу ерда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 120 ўринли янги “Саховат уйи” биноси, 4 та коттеж қурилди. Кексалар учун барча зарур шароитлар муҳайё этилган. Зиёратларга бориш учун “Саховат уйи”га Президент совғаси - “ISUZU” автобуси ҳам берилган. Давлатимиз раҳбари нурунийлар билан дилдан суҳбатлашди.

«Халқ сўзи»дан олинган маълумотлар асосида қисқача тайёрланди

ЭНДИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ВАҚТИ ҲАМ, ПУЛИ ҲАМ ТЕЖАЛАДИ

Бугун фуқароларнинг давлат хизматларидан самарали фойдаланишларида, уларнинг узоқларини яқин қилишда жойларда очилаётган давлат хизмати марказларининг филиаллари кўл келмоқда. Аввалроқ, Нанай қишлоғида ДХМнинг филиали иш бошлаган бўлса, эндиликда туман марказидан 15 километр узоқликда жойлашган Бекобод қишлоғи аҳолиси ҳам ана шундай имкониятдан фойдаланишлари мумкин бўлади.



Яқинда Бекобод МФЙда йиғилган қишлоқ аҳолиси марказининг Бекобод филиали очилишига гувоҳ бўлдилар.

Ҳафтанинг чоршанба ва жума кунлари ишлайдиган филиал хизматларидан Бекобод, Бўстон, Гулистон, Соҳил, Богистон ҳамда Чортоқ туманининг Бозорбоши, Арбағиш, Созсой ва Тўпқайрағоч МФЙларида истиқомат қилувчи 21 000 нафардан ортиқ аҳоли фойдаланишлари мумкин.

Бу ерда аҳолига тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказиш, никоҳнинг қайд этилганлиги, ажрим ҳамда руҳий, наркологик касалликлари бор-йўқ ҳақи-

даги маълумотномаларни олиш, кадастр, газ, электр тармоқларига уланиш каби 100 дан ортиқ хизматлар кўрсатилади.

Ушбу филиалга қишлоғимиз аҳолисининг эҳтиёжи катта эди. Чунки, асосан деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик билан рўзғор тебратадиган фуқароларимизнинг далаю боғдан вақт орттириб у ёки бу юмушини битириш учун туман марказига бориши қийинчиликларни келтириб чиқарди. Энди уларнинг ҳам вақти, ҳам маблағи тежалди, дейди қишлоқ фаолларидан бири Қодиржон Неъматов.

Камола НЕЪМАТЖОНОВА



ТУМАНИМИЗДА ХУСУСИЙ МАКТАБ ИШ БОШЛАДИ

Мамлакатимизда хусусий мактабларга бўлган эътибор сўнгги йилларда кучаймоқда. Давлат умумий таълим мактабларига рақобатчи бўлаётган ушбу таълим муассасалари қай даражада ўзини оқлайди, бунинг келажакдаги натижалар кўрсатади. Ҳозирда эса ушбу хусусий мактаблар тақдим этаётган таълим дастури, шубҳасиз, катта умидларни боғламоқда.

Туманимизда ҳам, мана, 4 ойдан бери “Namangan international school” хусусий мактаби фаолият юритмоқда. Ҳозирда директор вазифасини бажараётган Шахбоз Валижонов чортоқлик тадбиркор Муҳаммадэлёр Йўлдошев билан шерикликда асос солган мактабда 200 нафар ўқувчиларга 20 нафар олий тоифали ўқитувчилар таълим бермоқда.

Хўш, бу мактаб давлат мактабларидан нима жиҳатлари билан фарқ қилади?

Биринчи навбатда, хусусий мактабда ўқитувчиларнинг режа, журнал каби ҳужжатларнинг юритмаслиги, уларнинг асосий иши - таълим беришга кўпроқ вақт ажратишига имконият эканлигини таъкидлаш жоиз.

Шунга яраша ўқитувчилар ҳам иш услуби, тажрибаси, болаларга билимини етказа бериш қобилиятига қараб саралаб олинган.

Мен 37 йилдан бери ўқитувчилик қиламан. Хусусий мактабда биринчи бор ишлашим. Бу ерда-

ги ўқитувчиларга қилинган шароитлардан мамнунман. Ўқитувчининг кўп вақтини оладиган режа, журнал каби ҳужжатларни тўлдиришга кетадиган вақтни ўқувчиларнинг таълим-тарбиясига сарфланиши менга маъқул келди, дейди бошланғич синф ўқитувчиси Раиса Йўлдошева.

Бошланғич синфдаёқ ўқувчилар рус тили, инглиз ва араб тилини ўрганишмоқда. Бу тилларни мукаммал эгаллаб олишга, уларга 5-синфдан қўшимча хитой ва япон тиллари ҳам ўқитилади. Бундан ташқари, юқори синфларда ўқувчиларга Америка ҳамда Покистондан келган ўқитувчилар дарс ўтишни бошлади.

Одатдаги жисмоний тарбия фани ўрнига болалар шахмат ҳамда каратедан сабоқ олишади.

8-синфдан бошлаб ўқувчиларга келажакда эгалламоқчи бўлган мутахассисликлари бўйича ОТМга кириш учун чуқурлаштирилган дарс соатлари ўтилади. Бу ўз навбатида болажонларни қўшимча репетиторга қатнаб, ҳам вақт, ҳам пулни сарфлашдан халос этади.

Ҳозирда мактабимизда 1-9 синфга ўқувчилар қамраб олинган. Ойлик тўлови 750000 сўм. Тўғри, бу кимгадир қиммат туюлиши мумкин. Бу маблағ ичида болажонлар икки маҳал овқат билан таъминланади. Қолаверса, ҳозирда ота-оналарнинг фарзандлари учун битта фан бўйича репетиторга ўртача 150000-

200000 сўм сарфлаётганликларини ҳисобга олсак, бутун мактаб программасини ўқитиш учун 750000 сўм ўзини оқлашни таъкидламоқчиман. Албатта, бу суммани ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтармаслиги мумкин. Бироқ, буюклар айтганидек, фарзандларнинг таълим олиши учун сарфланадиган сармоя энг самарали инвестиция эканлигини унутмаслигимиз лозим, дейди Шахбоз Валижонов.

Бу мактаб билан фаолиятимиз чегараланиб қолмайди. Келгусида кичкинтойларни шу мактабга тайёрлаб берадиган мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини ҳам йўлга қўймоқчимиз. Шунингдек, бу мактабда таҳсил олганлар учун университетга асос солиш режамиз ҳам бор.

Ушбу инновацион мактабнинг таълим тизимига Буюк Британиянинг машҳур Кембридж университетиди таълим тизими асос қилиб олинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўқувчиларнинг 11-синфни битиргунча камида 5 та тилда гаплаша олиши, 9-синфдаёқ талабага айланиш имконияти, 10-11 синфда иш билан таъминланиши, аттестатдан ташқари яна 7 та диплом эгаси бўлиши, албатта, кўпчиликда қизиқиш уйғотиши табиий.

Қолаверса, фанлардан ташқари ўқувчилар ментал арифметика, мнемоника, хореография, актёрлик маҳорати, робототехника ҳамда IT йўналишларда ҳам илк кўникмаларни эгаллашади.

Камола ЖЎРАБОВЕВА

ТАРИХ МУҲРАЛАНГАН МАСКАНДА

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” Агентлиги томонидан “Наманган вилояти архив муассасаларига ташриф” мавзусида ташкилланган пресс-тур доирасида вилоят ОАВ вакиллари, журналист ва блогерлар Чортоқ ҳамда Янгиқўрғон туман Давлат архивларининг фаолиятлари билан танишдилар.

Хусусан, пресс-тур иштирокчилари Янгиқўрғон туман Давлат архивига ҳужжатларнинг жамланиши ва сақланиши, ҳужжатларга илмий-техникавий ишлов бериш, архив ҳужжатларини рақамлаштириш, МАФнинг Давлат каталогини юритиш, архив ҳужжатлари асосида ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровларни бажариш жараёнларини кўздан кечирдилар.

Ҳозирги кунда туман архивига 258 та фондда 44941 та сақлов бирлиги сақланиб келинмоқда. Шундан 23752 таси МАФ таркибига киритилган ҳужжатлар, 21189 таси шахсий таркиб ҳужжатлари ҳисобланади.

Тур якунида иштирокчилар учун тадбир ташкилотчилари, вилоят архив иши ҳудудий бошқар-



маси, вилоят, шаҳар ва туман давлат архивлари раҳбарлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда “Ўзархив” Агентлиги директорининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси, ахборот хизмати раҳбари Анваржон Алиев, Наманган вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи Н.Ахмадалиев, АОКА вилоят бўлимининг раҳбари Алибек Эргашевлар иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз

СИЗ ТУФАЙЛИ БАРЧАМИЗГА КЎЗ ОЧГАН ДУНЁ, СИЗ ТУФАЙЛИ ЕЧИЛГАНДИР ҲАР ҚАНДАЙ ТИЛСИМ. НЕ-НЕ БУЮК АЛЛОМАЛАР, ЗОТЛАР ҲАМ ХАТТО, УСТОЗ, СИЗГА ҚИЛАР МАНГУ ЮРАҚДАН ТАЪЗИМ!

Қисқа муддатда юқори натижалар

Бугун бирон бир ташкилотга раҳбар тайинланар экан, ундан ўзи бошқарадиган ташкилот, соҳанинг ривожлантириши, юқори поғонага олиб чиқиши, жамоада қулай ишчанлик муҳитини яратиш талаб этилади. Шундагина ходимларнинг ўз ишига виждонан ёндашиш, муассаса фаолиятининг рейтингини кўтариш мақсадида вазифасини сидқидилдан бажаришга лаёқати ошадди.

Абдурашид Қаюмов ҳам 2-умумий ўрта таълим мактабига директор вазифасига ўтганидан кейин таълим муассасасида бир талай ўзгаришлар қила олди, деб, айта оламиз.

Фаолиятининг илк босқичида мактаб ҳаётида долзарб бўлган оби ҳаёт муаммосини ҳал қилишга киришиб, мактаб учун алоҳида артезиан қаздирди. Бунинг давоми сифатида мактабнинг атрофини ободонлаштиришга ҳам катта эътибор қаратди.

Мактабда таълим сифатини ошириш, ўқитувчиларнинг фаолиятини янада жонлантириш ҳамда салоҳиятли ўқитувчиларнинг тажрибасини оммалаштириш мақсадида ўтган ўқув йилида бир неча марта туман ва

вилоят миқёсида семинарлар ташкилланди. Бу ҳаракатлар самараси ўлароқ жорий йилда олий таълим муассасаларига битирувчиларнинг жалб эти-



лиш кўрсаткичи юқорилади ва 35 нафар (битирувчиларнинг 50 фоизи) ўқувчимиз талаба бўлди. Ўтган ўқув йилида 10 фоиз битирувчи ОТМга кирганлигини ҳисобга олсак, бу йилги натижалар, шубҳасиз, 5 баробар юқорилигини исботлайди.

А.Қаюмовнинг тарихга муҳрланадиган ишларидан яна бири - 2022 йилда мактаб учун қўшимча 420 ўринли бинонинг қурилишига эришганлигида қуриш мумкин. Бу эса икки навбатда ўқиялган ўқувчиларимиз яна бир қатор қулайликларга эга бўлишга дегандир.

Ўқитувчиларнинг замон билан ҳамнафас бўлишлари, таъ-

лимда интернет имкониятларидан фойдаланиб замонавий педагогик усуллардан кенг фойдалана олишлари учун таълим даргоҳида вай-фай ўрнатиб берилди. Жорий йилдан 5- "А" синф ўқувчилари фанлардан чуқурлаштирилган билимларни олишлари тажриба сифатида жорий этилди.

1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан А.Қаюмовнинг бир йиллик фаолиятига сарҳисоб қилиб, шу вақт мобайнида у зиммасидаги масъулиятнинг уддасидан чиқа олди, десак муболаға бўлмайди.

Бунда, албатта, мактабимизнинг жонкуяр устозлари ва бошқа ходимларнинг ҳиссаларини алоҳида эътироф этиш лозим.

Тўғри, бир йил бу кўп муддат эмас. Аммо ҳоло қилиб айтадиган бўлсак, бугун илм даргоҳимиздаги ўзгаришлардан ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам хурсанд. Ва барчамиз бу шароитларга жавобан фаолиятимиз билан, ўқувчилар эса аъло ўқишлари билан муносиб натижа бера олишимизга ишончим комил.

Касб байрамимиз арафасида таълим, фан ходимлари касба уюшмаси ва мактаб маъмурияти номидан барча ҳамкасбларимни чин дилдан табриклайман.

Махфуза ИБРАГИМОВА,
2-умумий ўрта мактаб касба уюшмаси раиси

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Хоразм Маъмун академияси Ислом оламида иккинчи академиядир. Биринчиси Боғдода араб ҳалифалигида Хорун ар-Рашид ҳукмронлиги даври (789-809)да ташкил топган. Унга ҳалифа Маъмун асос солган.

Европада биринчи илмий академия (Буюк Британияда) 1162 йилда, Россияда 1724 йилда ташкил этилган. Университет эса 1755 йилда вужудга келган.

(Эргашали Ғойибназаровнинг "Илм уммонининг жавоҳирлари" китобидан)

Ўзбек тили - ифтихоримиз

-дейишади қирғиз тилида фаолият юритадиган мактаб ўқувчилари

"Мўғол" қишлоғидаги 35-умумтаълим мактабида ҳозирги кунда 240 нафар ўқувчи таҳсил олади. Ўқувчилар қирғиз миллатига мансуб бўлишсада, давлат тилига ҳурматлари, қизиқишлари баланд. Бунда уларга ўзбек тилидан сабоқ бериб келаётган ўқитувчилар - Жипаргул Ҳожибоева ҳамда Дилобархон Мадиевалар яқиндан ёрдам беришади.

Ўқитувчиларнинг меҳнатлари самараси ўлароқ ўқувчилар ўзбек



тилида равон гапиришади ва эркин фикрлайдилар. Шунинг учун ҳар йили "Билимлар беллашуви", фан олимпиадалари, иншолар танлови каби турли тадбирларда фаол иштирок этиб келишади.

Масалан, ўтган 2019-2020 ўқув йилларида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган "Ўзбек тили - ифтихорим" номли иншолар танловининг республика босқичида мактабнинг етти нафар ўқувчиси 1-,2-,3-даражали дипломлар билан тақдирланиб, ноутбук, планшет, мобил телефонлари каби совғаларни қўлга киритган эдилар.

Жорий ўқув йилида ҳам бу анъана давом эттирилиб, яна беш нафар ўқувчи "Ўзбек тили - ифтихорим" иншолар танловининг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

-Биз, қирғиз миллатига мансуб фуқаролар шу гўзал, жаннатмакон ўлкада яшаб, барча қатори ҳукуматимиз томонидан берилган имкониятлардан фойдаланганимиздан фахрланамиз. Келажакда, албатта, ёшларимизни Ўзбекистоннинг ривожига ҳисса қўшадиган руҳда тарбиялаймиз. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимни касб байрамлари билан муборакбод этаман, дейди Халқ таълими аълочиси Жипаргул Ҳожибоева.

Камола ЖУРАБОВЕВА

АБДУЛЛА ОРИПОВ:

НЕГА ШЕЪР ЁЗМАЙИН ЮРАҚДАН ЁНИБ, НЕГА ТАЪЗИМ ЭТМАЙ СИЗГА БУ МАҲАЛ. НЕГА ХИЗМАТИНГИЗ ҚИЛМАЙ ҚУВОНИБ, ЭЙ, АЗИЗ МУАЛЛИМ, УСТОЗИ АВВАЛ. СИЗНИНГ ТАЪЛИМИНГИЗ ОЛМАГАН КИМ БОР?! СИЗ-КУ ЮРАҚЛАРГА ИЛК ЗИЁ ЁҚҚАН. ОЛИММИ, ШОИРМИ ВА Ё САНЪАТКОР ИЛК БОР СИЗГА ТОМОН УСТОЗ ДЕБ БОҚҚАН.



Туманимизнинг иқтисодий юксалишига баракали ҳисса қўшган номдор иқтисодчи, "Бешбулоқ" маҳалласида яшаган Нуриддин ота Мамажонов билан Ҳалимахон аялар тўққиз нафар фарзандни дунёга келтириб, тарбия беришган. 1951 йилнинг 24 августида дунёга келган Жалолиддин Нуриддинов - шу оиланинг тўнғич фарзанди.

Жалолиддин 1958 йили тумандаги 11-ўрта мактабнинг илк синфига қадам қўйди. Оддий қишлоқ болаларидек, ука-сингилларига қарашди, мол-қўй боқди. Рўзгор тебратишда оиланинг мададкори бўлди. Аммо отаси каби катта ишларда ишлашни орзу қилиб, мактабда аълога ўқиди.

Ота ўғлининг дилидагини анча олдин сезганди. -Ҳаёт жуда мураккаб, одам ҳалол ва виждонли бўлиш билан бирга иқтисодни яхши билиши керак,-деди 1968 йили мактабни битирган ўғли Жалолиддиннинг елкасига қўлини қўйиб, - Ота касбини давом эттирган ўғил асло кам бўлмайди.

Нуриддин етук мутахассис бўлиб, элу юртга хизмат қилиш, отасининг ишини давом эттиришдек эзгу мақсад йўлида пойтахтдаги Халқ хўжалиги институтининг молия-иқтисод факультетига ўқишга кирди. У талабаларнинг "Олтин даври"ни беҳуда сарфламади, китобдан бош кўтармади, қўшимча адабиётларни қидириб юриб ўқиди, изланди, ўрганди, илмий-амалий семинарларда фаол қатнашди. У 1972 йили институтни аълога тамомлаб, Давлат банкнинг туман бўлимида кредит инспектори лавозимига иш бошлаганидан ҳам отасининг сўзлари огоҳлик кўнғироғидай қулоқлари остида жаранглаб, қалбига шижоат бағишлаб турарди.

Жалолиддин тажрибали банк ходими, бағри кенг Абдумажид ака Жўрабоевнинг этагини маҳкам тутди. Устози ҳам Жалолиддинга ўзида борини эринмай ўргатди...

Бир йиллик ҳарбий хизматдан қайтгач, ўз касбини севган Жалолиддин ғайрат-шижоат билан ишга киришди ва қисқа вақтда билимдон иқтисодчи сифатида туман жамоатчилигига овозаси кетди. Бу эса 1975 йили туман йўл қурилиш ва ундан фойдаланиш корхонасининг катта иқтисодчиси вазифасига тайинланишига сабаб бўлди.

Жалолиддин қатъий режали иқтисодий режимни

йўлга қўйди ва мақсадсиз харажатларни тўхтатди. Тежалган маблағ эвазига ишлаб чиқариш режаларини бажариш, йўл қурилиши ва таъмирлашда яхши самара берди. Ташкилотнинг "бели бақувват"лашди. Ж. Нуриддиновнинг захматли ва ҳалол меҳнатлари нафақат туман, балки, вилоятдаги юқори ташкилотлар томонидан ҳам катта мамнуният билан эътироф этилди, У қаерда ишламасин, ўша корхона иқтисодий бақувват ишхонага айлантирди. Ростгўй ва ҳалоллиги, қўл остидагиларга ғамхўрлиги билан шуҳрат қозонди ва туманда камёб ҳисобланган иқтисодчилардан бирига айланди, элда азиз бўлди.

ДУОЛАР ИЖОБАТИ

Ж.Нуриддинов район партия комитетининг тавсияси билан 1982 йилдан район халқ назорати қўмитасида назоратчи-инспектор, туман молия бўлими бошлиғи, туман халқ назорати қўмитаси раиси лавозимларида фаолиятини давом эттирди.

1990 йилнинг 15 май куни янги ташкил этилган туман солиқ инспекцияси раҳбарлигига номзодлар, "отчопар"лар кўп эди. Бироқ, бу масъулиятли лавозимга ҳар жиҳатдан муносиб Ж.Нуриддиновни маъқул қўришди.

Ишни ташкил этиш осон кечмади. Етук кадрларни топиш, уларни саралаш, жой-жойига қўйиш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш йўлида жонбозлик кўрсатиш зарур эди.

1997-1998 йиллар мобайнида Чортоқ солиқ инспекцияси раҳбари бўлиб ишлаган Ж.Нуриддинов саломатлиги туфайли лавозимидан озод этишларини сўраб ариза берди. Меҳнат фаолиятининг сўнгги уч йилида тумандаги "Тадбиркорбанк" да етакчи тафтишчи вазифасида самарали меҳнат қилди.

1988 йили у раҳбарлик қилган туман молия бўлими СССР молия вазирлигининг иккинчи даражали дипломи ва пул мукофоти лойиқ қўрилди. Жалолиддин Нуриддинов эса фаолияти давомида "Молия аълочиси" кўрак нишони ва кўлаб Фахрий ёрлиққа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган.

Жалолиддин Нуриддинов фаолияти давомида - айна

➡ Устоз - отадайд улуғ!

кунда туман давлат солиқ инспекцияси раҳбари Нуриддин Алимов, вилоят солиқ бошқармаси бошлиғининг уринбосари Акрамжон Нажмиддинов, ўз даврида бошқа туманларда ҳам солиқ идораси бошлиғи, ҳам солиқчи бўлиб ишлаган ва ишлаётган Нўмонжон Мамажонов, Муҳторжон Ғайбуллаев, Латифжон Аҳмедов, Каримжон Темиров ва Незматжон Деҳқонов каби кўлаб еш мутахассисларга устозлик қилди, ҳаётда ўз ўринларини топишида мададкор бўлди.

Жалолиддин акада бағри кенг, ҳалол ва билимдон раҳбарга шогирд бўлганимдан бахтиёрман,-дейди туман солиқ инспекцияси раҳбари Нуриддин Алимов. -Чунки 1993 йили ишга қабул қилиб, ҳалоллик, тўғри-сўзлик, ватанга, оилага, касбга садоқат ва муҳаббат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат каби инсоний фазилатларни ўргатганлар. Устозимиз тарбиялаган 20 кишидан 8 нафаримиз солиқ идораларида бошлиқ бўлдик. У киши "Устоз - шогирдим эмас, балки, шогирд устозим дегандагина устоз мақомига эришасан!" деганлари бизни хушёрликка ундаб туради.

-Бирлашган қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳисобчи-кассир вазифасида ишлаб, туман солиқ идорасига ҳисобот топшириб турардим,-дейди Муҳторжон Ғайбуллаев. -1997 йили Жалолиддин Нуриддинов назарига тушган эканман, чақириб кадр комиссиясига ишга қўйганлар. Устозимизнинг эътибори билан ҳамон солиқчман ва бундан фахрланаман!

Туман солиқ идорасида бўлганимизда Жалолиддин ака Нуриддиновнинг садоқатли шогирдларидан Бахтиёр Ҳакимов, Неъматжон Деҳқонов ва бошқалар ҳам устозларининг инсоний фазилатлари ҳақида тўлиб-тошиб сўзладилар.

Жалолиддин Нуриддинов Муҳаббат опа билан севишиб оила қуришган. Уртадаги покиза муҳаббат оилага икки қиз ва бир ўғил берди. Қизлари турмушга узатилиб, бахтли-саодатли умр кечирмоқдалар. Афсуслар бўлсинки, ёлғизгина ўғиллари Дилшодбек касаллиги туфайли оламдан ўтган. Уларга ёр-дўстлар оғир кунда ҳамдам бўлдилар.

Қамбар ҲАЙДАР,
журналист



Ўзгаришлардан барча хурсанд

829 - сайлов участкаси 23-умумий ўрта таълим мактаби биносига жойлашган. Шу муносабат билан мазкур таълим масканида ўзгаришлар катта. Ўқитувчиларнинг бир неча йиллардан буён орзуси бўлиб келган мактаб ҳовлиси, ён томондаги йўлаклар асфальт қилинди. Эскириб кетган эшик ва деразалар замонавий акфа эшик деразаларга алмаштирилди. Мактабга фарзандининг ташвиши билан йўли тушган ота-оналарнинг бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўриб кўнгиллари тоғдек кўтарилмоқда. Бу йилги сайлов янгича руҳда ташкил этилаётганини ҳар бир киши юракдан ҳис қилмоқда.

Муборак АБДУЛЛАЕВА,
шу мактаб ўқитувчиси

Ҳуқуқий билимлари оширилди

2-умумий ўрта таълим мактаби биносига жойлашган 791-сайлов участкасида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига астойдил ҳозирлик қилинди. Аввало, иштирок этиши кутилаётган 2286 нафар сайловчиларга қулайлик яратиш мақсадида сайлов участкасида ободончилик, таъмирлаш ишлари олиб борилди. Яқинда участка сайлов комиссияси аъзоларининг сайловни ўтказиш борасидаги ҳуқуқий билимларини ошириш учун ўқув курслари ташкилланди.

Ўқув соатлари 2 кунга бўлиниб ўтилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, сайлов жараёни-



да хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар ҳамда маҳаллий кузатувчиларнинг иштироки ва ваколатли вакилларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайлов қонунчилиги бузилиши ҳолатлари юзасидан муҳофафзаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда жавобгарлик каби мавзуларда тушунчалар берилди, - дейди участка сайлов комиссияси раиси Абдулхай Ганиев.

Камола ЖЎРАБОВЕВА

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЎРГАНАМИЗ

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Савол: -Сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашишга тўғри келса қарерга муҳожаат қилиш керак?

Жавоб: -Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 27-моддаси 3-бандига мувофиқ, сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар Маъмурий судларга тааллуқли. Маъмурий судларга ариза билан муҳожаат қилиниши мумкин.

Саволга Наманган туманлараро Маъмурий судининг архив мудири Баҳодир МАМАДАЛИЕВ жавоб берди

➤ Жараён

Терим отрядлари кўнгиллилардан шакллантириляпти

Пахтакорларимиз учун энг тигиз, масъулиятли мавсум давом этмоқда. Юртимиздаги фермер хўжаликларида йигим-терим қизгин паллада.

Маълумотларга кўра, мавсумда мажбурий меҳнатга йўл қўмаслик мақсадида вилоятлар, туманларда пахта терим марказлари иш бошлаган. Теримга эса, асосан, пахта-туқимачилик кластерлари, фермер хўжаликлари ишчилари, меҳнат билан банд бўлмаган, кўнгилли ҳашарчилар шартномалар асосида жалб этилмоқда.

Терим отрядларига 70 нафардан кўп бўлмаган ҳашарчилар бириктирилмоқда. Жорий йилда қўлда терилган бир кило пахта хом ашёси учун биринчи теримда 1200 сўмдан, иккинчи теримда 1500 сўмдан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлаш белгиланган. Қорақалпоғистон, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг чекка туманларида теримчиларнинг меҳнатига республика бюджетидан қўшимча манбалар ҳисобидан бир кило пахтага 230 сўмдан устама ҳақи тўланиши кўзда тутилган. Терим пуллари ҳар беш кунда, дам олиш кунларига тўғри келишидан қатъий назар, далаининг ўзида банк вакили томонидан берилади.

Марказий нашрлардан олинган маълумотлар асосида тайёрланди

Фирибгарлик, товламачилик даромад топишнинг энг жирканч йўли ҳисобланади. Айниқса, бу қилишни аёл киши қилса бу унинг турмуш ўртоғи учун ҳам аянчли ҳолатдир.

Марҳабо Юнусова (исм-шарифлар шартли) марҳум қайнонасига маърақа ўтказиш, қизини турмушга узатиш каби вазифалар билан 2-3 кишининг ишончини қозониб, уларнинг мол-мулкларини қўлга киритади.

Жумладан, у С.Мирзаевдан маърақага пул кераклигини айтиб 10 бош қўйини 15 000 000 сўмга нархлаб олади, пулини эса 10 кун ичида қилиб беришни ваъда қилади. Лекин келишилган вақтда пуллари бермагач, жабрланувчига ўғлининг номига кредит эвазига олган 3

та сигирни бераётиб, қўйлардан қолган қарзининг устига яна 5 млн. сўм сураб, олиб кетади. Бироқ, эртаси кунгидея у кредит ололмаганини баҳона қилиб,

Бўйнида қарзи билан озодликдан маҳрум этилди

сигирларни яна қайтариб олиб кетади.

Бу орада мол олиб-сотиш билан шуғулланадиган таниши Бунёд Эргашевдан ҳам 7 200 000 сўм эвазига 5 бош соғин эчкини ҳам насияга олади. Ундан қарзини узишга улгурмай, Бунёдга молини сотиб беришни илтимос қилган Ойша Ғофуровадан 10500000 сўмлик она-бола сигирнинг пулини ҳам

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам миқдори ошди

жорий этилди. Шунингдек, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб болалар нафақасини тайинлашда инобатга олинандиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилади.

Шунингдек, тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача оширилади:

1 сентябрдан бошлаб болалар нафақаси ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўловларининг миқдори белгиланган:

Болалар нафақасининг ҳар ойлик миқдори: 250000 сўм - 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган фарзанди учун, 325000 сўм - ёши 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанди учун;

150000 сўм - оиланин иккинчи фарзанди учун қўшимча;

100000 сўмдан - оиланин учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанди учун;

Кам таъминланган оилалар учун моддий ёрдамнинг ойлик миқдори 380000 сўм этиб белгиланди.

Музаффар БАҲОДИРОВ,
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи

олишга муваффақ бўлади.

Бу пулларнинг ҳисобидан Б.Эргашевдан олган эчкиларнинг пулини бир қисмини қайтаради.

С.Мирзаевдан мавжуд бўлган 20 млн. сўм қарзининг 7 млн. сўмини ҳам қайтаради.

Биттасининг шапкасини иккинчисига, иккинчисиникини учинчисига кийдириб, қарзлари миқдорини ошириб келаётган Марҳабо Юнусова алаоқибат икки кишидан 23 500 000 сўм қарзни бўйнига олиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига лойиқ топилди.

Азизбек ПОЗИЛОВ,
туман прокурори ўринбосари,
Мухаммадюб ИБРОҲИМОВ,
туман прокурори ёрдамчиси

Бугун турли кўриниш ва шакллардаги маънавий таҳдидлар, асосан, ёшларга қаратилмоқда. Албатта, бунинг асосий сабаби ёшларнинг жамиятдаги энг фаол қатлам экани, турли гоёлар, таъсирларга берилувчанлиги билан изоҳланади. Айни пайтда ёшлар онгини забт этиш ҳар қандай мафкуравий куч учун стратегик аҳамиятга эга. Зеро, мамлакатнинг истиқболи, айнало ёшларнинг эҳтиёжи, манфаатлари ва улардан келиб чиқувчи мақсадлари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам

➤ Огоҳлик кўнғироғи

лиги.

Диний экстремистик оқимлар ва халқаро террористик ташкилотлар эмиссарлари томонидан ёллаш ишларида интернет тармоқларидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Сўнгги йилларда ушбу йўналишларда интернет тармоғининг “Telegram”, “WhatsApp”, “Imo” каби мессенджерлари асосий “қурол” сифатида қўлланилмоқда. Бунинг сабаби содда тузилганлиги, географик жойлашувларга боғлиқ бўлма-

Оқни қорадан ажрата олинг

бугунги кунда ёшларимизнинг қалби ва онгида ахборотларни саралай олиш, оқни қорадан ажрата билиш иммунитетини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшларнинг норасмий уюшмалари ва ҳаракатлари стихияли, бошқариб турилмайдиган жараён сифатида вужудга келди. Бу юридик қонун йўли билан таъқиқлаб ёки йўқ қилиб бўлмайдиган жараёндир. Агар уларга нисбатан қаттиқ чоралар қўлланилса, жамият учун хавфли бўлган экстремистик, террористик, қўпоровчилик уюшмаларининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ёшларнинг эҳтиёжлари, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг хатти-ҳаракатларини, куч ва имкониятларини жамият учун фойдали бўлган йўналишга буриш бугунги кунда асосий вазифаларимиздан биридир.

Бугунги кунда Россия Федерацияси, Туркия ва Миср давлатларида меҳнат миграцияси мақсадида юрган ва олий ўқув юрларида таҳсил олаётган Марказий Осиё давлатлари фуқаролари орасида радикал гоёли салафийлар оқими хайрихоҳлари сони ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Мазкур оқим етакчилари томонидан ҳам аввал қайд этилган ташкилот ва оқимларнинг “ягона ислом ҳалифалигини тузиш” гоёси кенг тарғиб қилиб келинмоқда.

Айниқса, ёлланган шахслар орасида онги тўлиқ шаклланмаган, вояга етмаган ёшларнинг сони ортиб бораётганлиги барча давлатларни ташвишга солмоқда.

Ёшларнинг диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- Ҳаётдаги йўналишини тўлиқ англаб олмаганлиги;
- Қизиқувчанлиги;
- Диний тушунчалар шаклланмаганлиги;
- Интернетдан фойдаланиш маданиятининг шаклланмаган-

ганлиги, маълумотларни юбориш тезлиги юқорилиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари назарига тушиб қолиш эҳтимоли камлиги ва бошқа омиллар. Шунга кўра, ХТТ ёлловчилари томонидан мазкур мессенджерларда виртуал жамоатлар тузиш орқали, дастлабки номзодлар танлаб олиниб, кейинчалик ушбу шахслар гоёвий ишловлардан ўтказилиб, ўчоқли худудларга юборилмоқда.

Таҳлилларга кўра, фуқароларимизнинг асосий қисми ХТТ ёлловчилари таъсирига чет давлатларда, меҳнат миграцияси даврида тушиб қолаётганлиги аниқланди. Бундан ташқари, ХТТ фуқароларимизга гоёвий таъсир ўтказиш орқали ўз сафларига кўшиб, “хижрат” ва “жиход” амалларини бажаришликка даъват қилиб келмоқдалар. Натижада мамлакатимиз фуқаролари хорижий давлатларда террористик ва экстремистик йўналишлардаги жиноятларни содир этиб, жиноий жавобгарликка тортилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, минтақа ва умуман дунёдаги вазиятнинг мураккаблигига қарамай, мамлакатимизнинг янги ислохотлар ҳамда ривожланиш даврида Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга ошириб келинаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат ҳамда халқимизнинг кучли иродаси, меҳнатсеварлиги, бағрикенглиги, маърифатпарварлиги туфайли мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб келинмоқда.

Шундай экан, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётни асраш, унинг мустақиллиги ҳамда барқарорлигига муносиб ҳисса кўшиш - ҳар биримизнинг, шу азиз Ватанда яшаётган турли миллат, дин вакиллари-нинг энг асосий вазифаларидан бўлмоғи лозим.

Асқарали УМРЗОҚОВ,
терроризм ва экстремизмга қарши кураш бўлинмаси тезкор вакили

"Леди"нинг яна бир хизмати

Жорий йилнинг 30 июнь куни, Тошкент маҳалласидаги Сой бўйи кўчасида яшовчи, мавсумий ишчи, Қодирали Раҳмонов ариза билан муҳожаат қилди. Унда 30 июнга ўтар кечаси номаълум шахслар томонидан яшаш ҳовлисидаги қуйхонасидан тўрт бош, жами нархи 5000000 сўмлик қўйларни ўғирлаб кетилганлигини аниқдорларга чора кўришни сўраган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман ИИБ кинологлари Ж. Тошбалтиев, ЖКБ тезкор вакиллари З. Довилов, У. Умаржонов ва ХПБ катта инспектори Ш. Тўрабоевлар томонидан тезкор қидирув ва суриштирув ҳаракатлари олиб борилди.

Жиноят фош этилди. Навкент маҳалласи Сойбўйи кўчасида яшовчи, 1998 йилда туғилган Н. Д. ва Уйчи тумани, Элитан кўчасида ота-онаси қарамоғида яшовчи, 7-мактабнинг 10 синф ўқувчиси Б. Хлар содир этганлиги аниқланди. Улардан тегишли кўрсатма ва 4 бош қўйлар далилий ашё сифатида олинган.

Воқеа жойига ИИБ ходимлари билан бирга борган “Леди” лақабли хизматдаги итнинг жиноятни фош этишдаги хизмати катта бўлди.

Ушбу ҳолат бўйича айбдорларга Ўз.Р.ЖКБнинг 169-моддаси, 2-қисми, “в,г” бандлари билан жиноят иши қўзғатилган.

Жасурбек ТОШБОЛТИЕВ,
вилоят ППХ ва ЖТСБ кинологи, сафдор

СОЛИҚЧИ-ТАДБИРКОРГА
ЯҚИН КЎМАКЧИ

Президентимизнинг “Солиқчи-тадбиркорга яқин кўмакчи” тизимини йўлга қўйиш ҳақидаги топшириғи ижроси юзасидан туман ДСИда тизимли иш ташкилланмоқда. Унга асосан туман ДСИдан солиқ тўловчи юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектларининг 25 фоизи (371 тасида) бош ҳисобчилар мавжуд эмаслиги сабабли “Солиқ сервис” ахборот

марказлари орқали 220 та субъектлар бошланғич бухгалтериясини тўғри юритишда ёрдам берилди.

“Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш” шўъбаси ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ҳал этиш бўйича жами 172 та корхонада суҳбат ўтказилиб, 87 тасида солиқ органларига алоқадор масалалар бўйича, 33 та корхонанинг

ДСИ ФАОЛИЯТИДАН

дастлабки бухгалтерия ҳисоб-ботини юритишга кўмаклашилди. 20 та корхонага солиқ имтиёзлари ва уларни қўллаш тартиби тушунтирилди, бундан ташқари 26 та корхоналарда солиқ кодексидagi ўзгаришлар тўғрисида, 6 тасида эса онлайн назорат касса машинасини ўрнатиш ва юритиш бўйича тушунчалар берилди.

Бахромжон ЖЎРАБОВЕВ,
туман ДСИнинг Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш шўъбаси бошлиғи

ИЖОДКОРЛАР
ЎҚУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

61-умумтаълим мактабида ёзувчи Қамбар Ҳайдар билан китоб ва китобхонлик мавзуси доирасида ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда туман ХТБ мудири Давронбек Аролов, халқ таълими бўлими услубчилари, мактабларнинг маънавият бўйича директор ўринбосарлари, тарғиботчилар, шунингдек, Ўзбекистон ва Турон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Турон халқ ёзувчиси Боқий Мирзо иштирок этдилар.

Мактаб директори Гулчехра Усмонова дастлаб меҳмонларни мактабнинг замонавий услубда жиҳозланган ўқув хоналари, ўқувчиларнинг ижодий ишлари билан таништирди. Сўнгра маънавият хонасида ижодий учрашув бошланди. Ўқувчилар Қамбар Ҳайдар қаламига мансуб Ватан, баҳор, дўстлик, китоб ҳақидаги шеърлардан ифодали ўқидилар.

Тадбирда сўзга чиққан Қамбар Ҳайдар Президентимизнинг беш ташаббуси доирасида китоб ва китобхонлик, ёшларга яратилаётган шароитлар, туман ижодкорларининг вилоятимиздаги



ўрни ҳақида батафсил фикр юритди. Мавзуга доир шеърларидан ўқиди, иштирокчиларнинг саволларига жавоб берди. Шунингдек, “Барҳаёт сиймолар”, “Сен баҳорим гулисан”, “Азим дарё имроқлари”, “Изҳор ёхуд кўнгил мавжлари” ва “Мени кечир, қизим...” китобларидан мактаб кутубхонасига тортиқ қилди.

Ўз мухбиримиз

ТАҲРИРИЯТ
ПОЧТАСИДАНОЙЛИК МАЗМУНЛИ ВА
ҚИЗИҚАРЛИ ЎТДИ

Жорий ўқув йилини ўзгача кайфият билан бошлаган умумий ўрта таълим даргоҳларида сентябрь ойи - «Бошланғич таълим фан ойлиги» муносабати билан турли тадбирлар, кечалар уюштирилди.

Бизнинг мактабимизда ойлик доирасида “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остида 2-синф ўқувчилари ўртасида очик дарс ўтказилди.

Дарс давомида ўтказилган давра суҳбатида эса ўқувчилар “Ифодали ўқиш” тўғраги фаолиятини эътироф этишди.

Одинахон ТУРДИБОВЕВА,
47-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

«Бошланғич таълим фан ойлиги» муносабати билан мактабимизда турли тадбирлар ташкилланди. 1-4 синф ўқувчилари ўртасида “Салом мактабим, қўлғи маконим” мавзусидаги байрам тадбири, “Мен Ватанимни қўлайман” мавзусидаги шеърлар танлови, “Қувноқ стартлар: ким чаққон?” каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари ўқитувчилар С.Жабборов, М.Мирзолимова, С.Жўрабовева, Н.Умаровалар томонидан ўтилган математика, табиатшунослик, она тили фанлари бўйича очик дарслар намунали деб баҳоланди.

Шунингдек, турли кўргазмалар, 5 ташаббус доирасида ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш йўналишида бошланғич синф ўқувчиларининг информатика хонасига саёҳатлар уюштирилиши ойликнинг сермазмун ўтишига омил бўлди.

Умида МАМАЖОНОВА,
12-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

Ойлик давомида мактабимизда бошланғич синф ўқитувчилари томонидан очик дарслар ўтказилди. “Қувноқ стартлар” мусобақаси эса ўқувчиларга чинакам қувонч улашди.

Ўқитувчилар ўртасида ташкилланган “Билимдон бошланғич синф ўқитувчиси” танлови ҳамда бошланғич ҳамда юқори синф ўқитувчилари ўртасида ўтказилган волейбол мусобақаси ўқитувчилардан ҳам анчагина фаоллик талаб этди.

Феруза АБДУРАҲМОНОВА,
13-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

ТИНЧЛИК - ФАРОВОНЛИК АСОСИ

41-МТТда ўтган “Тинчлик халқ фаровонлиги асосидир” номли тадбирда тарбияланувчилар ижросида тинчликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар, шеърлар, рақслар ижро этилди.

Тадбирнинг кўтаринкиликда ўтишида Анваржон Абдуназаров, тарбиячилар Гуласал Содиқжонов, Дилшода Уринбоевалар фаол иштирок этишди.

Муслима ИСМОИЛОВА,
музыка раҳбари

СИЗ СОҒИНГАН
САТРЛАРАЙТИЛМАГАН
МУҲАББАТ

• Мен ўзим бойманку,
• Кўнглим-чи ғариб.
• Юрагим ўртанар,
• Қолдим-ку қариб.
• Қўзим гирён бўлар,
• Уни ахтариб.
• Тўхтанг, дер
• лабларим,
• Ва дер ёлвориб.
• Унга севишимни,
• Қандай айтаман.
• Хаёл уммонига,
• Чўкаман яна.
• Тан бир ён,
• Руҳ бир ён, девона.
• Қалбимда ишқимни,
• Асраб пинҳона.
• Энди ошкор
• қилмоққа,
• Келди замона.
• Лек уни қандайин,
• Қандай айтаман.

Гавҳарой КАМОЛОВА,
Оқсув-Ғовозон маҳалласи

БИЛДИРУВЛАР

Каримов Турсунбой Абдумаматовичга тегишли ААА №0780790 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси, УЗВ № 042140 рақамли талоннинг йўқолганлиги **БИЛДИРИЛАДИ.**

«AVTOTEX XIZMAT AZI-BEK» МЧЖга тегишли муҳр ва тўртбурчак тамғанинг йўқолганлиги **БИЛДИРИЛАДИ.**

Рустамханов Азимжон Илҳомжон ўғлига тегишли «Cobalt» русумли, 50K 525NA давлат рақам белгиси автомашинанинг техник паспорти йўқолганлиги **БИЛДИРИЛАДИ.**

Пўлатов Махмуджон Ёқубжоновичга 2004 йилда 10-ўрта мактабдан берилган U № 0811748 рақамли шаходатноманинг йўқолганлиги **БИЛДИРИЛАДИ.**

Тўхтабовева Мухлиса Исма-тулла қизига 2020 йилда 10-умумий ўрта таълим мактаби томонидан берилган UM-K №0004137 рақамли аттестатнинг йўқолганлиги **БИЛДИРИЛАДИ.**

Пошшаева Насиба Хабибуллаевнага 2001 йилда 21-умумий ўрта таълим мактаби томонидан берилган O' R № 1018706 рақамли шаходатноманинг йўқолганлиги **БИЛДИРИЛАДИ.**

НИҲОЯТДА МИННАТДОРМАН

Ёз ойларида биринчи Янгиқўрғоннинг сўлим гўшасида дам олаётим, тобим қочди. Шу ердаги танишларнинг маслаҳати билан “Исковот шифо” хусусий тиббиёт муассасасига мурожаат этдим. Шифокорлар зудлик билан текширувлар ўтказиб, ташхис қўйишди. Юрагимда муаммо тугилган экан.

Қувонарлиси, қисқа муддатда дардимга шифо топдим. Тугилиб ўсган Шаҳанд қишлоғимдан бироз олисда даволанишга мажбур бўлаётганлигим билан боғлиқ хавотир ҳисси ҳам тарқаб кетди. Врачлардан тортиб ўрта тиббиёт ходимларигача, барчаси ўз касбининг устаси эканлигига амин бўлдим. Айниқса, даволловчи шифокорлар Иброҳим Абдураҳимов ҳамда Ҳошимжон Темировларнинг, бош ҳамшира Камола Миразизоваларнинг самимий муомалаларидан ниҳоятда хурсандман.

Мана шундай қулай шароитни яратиб қўйган МЧЖ раҳбари Бекзод Йўлдошевдан ҳам чексиз миннатдорман. Илоҳим, барчаларининг қўллари ҳеч қачон дард қурмасин. Ҳар доим мен сингари беморларга шифо ато этиб юраверишин. Катта раҳмат!

Сирожиiddин ЧЎЯНОВ,
Тўрақўрғон туманида яшовчи
фахрий педагог, “Шуҳрат” медали соҳиби

РАСМИЙ СТАТИСТИКА

-унинг асосий принциплари

Мамлакатимизда “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонуннинг талаблари статистикани тайёрловчиларга ва ундан фойдаланувчиларга, респондентларга ҳамда маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларга, шунингдек, улар ўртасида юзага келадиган, расмий статистикани тайёрлаш, тарқатиш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ бўлган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Қонунда бир қатор асосий тушунчалар қўлланилади: идентификатор, индивидуал ва маъмурий маълумотлар, метамаълумотлар, миллий статистика тизими, расмий статистикани тайёрловчи, статистика маълумотлари, статистика маълумотларини тайёрлаш, статистик бирлик ва ҳоказо.

Расмий статистиканинг асосий принциплари мустақиллик, тушунарлилик ва шаффофлик, аниқлик ва ишончлилик, бегаразлик ва ҳолислик, статистик махфийлик, долзарблиқдир.

Давлат статистика қўмитаси расмий статистика соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади. Давлат статистика органи расмий статистиканинг асосий тайёрловчилари бўлиб, расмий статистикани тайёрлашни, тарқатишни ҳамда мувофиқлаштиришни амалга оширади.

Статистика дастурларига расмий статистикани тайёрловчилари сифатида киритилган давлат бошқаруви органлари расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари ҳисобланади.

Расмий статистикани тайёрловчиларга индивидуал ва бошқа маълумотларни статистика мақсадларида тақдим этувчи

жисмоний ёки юридик шахс респондент ҳисобланади.

Маъмурий маълумотларни расмий статистикани тайёрловчиларга тақдим этувчи давлат ва ҳужалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари маъмурий маълумотларни етказиб берувчилардир. Жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, уларнинг алоҳида бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналари расмий статистикадан фойдаланувчилар бўлиши мумкин.

Шунингдек, Қонун билан расмий статистика соҳасида қуйидагилар белгиланди:

-давлат сиёсатининг асосий йўналишлари;

-Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда Давлат статистика қўмитасининг расмий статистика соҳасидаги ваколатлари;

-расмий статистикани тайёрловчиларнинг, респондентларнинг, маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларнинг ҳамда расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

-статистика дастурларини ишлаб чиқиш, статистик кузатувни ва рўйхатга олишни ўтказиш, статистика регистрларини юритиш тартиби;

-маъмурий ва индивидуал маълумотлардан фойдаланиш, шунингдек, статистика маълумотларининг махфийлигини таъминлаш тартиби ва бошқалар.

Улуғбек ОБИДОВ,
туман статистика бўлими бошлиғи

ЯНГИҚЎРҒОН ҲАЁТИ

Муассис:
туман ҳокимлиги

Мухаррир:
Дилбар Асқарова

Газета вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 30 декабрда 08-0028 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Нашр кўрсаткичи: 531
Буюртма - , Адади - 1236.
Офсет усулида босилди.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Телефонлар: 63-21-386, 63-21-044.

Қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

Газета таҳририятнинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топшириш вақти: 17.00
Топширилди: 16.00

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига Косонсой туманидаги «Заковат» нашриёт уйи масъул.
Корхона манзили: Косонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 17-уй.

Таҳририят манзили: 161200
Янгиқўрғон шаҳарчаси, Чортоқ кўчаси.
Набатчи: Камола ЖЎРАБОВЕВА